

Сурхон Воҳасининг Тадбиркорлик Ва Савдо-Сотик Тарихидан (XIX Аср Охири – XX Аср Бошлари)

Нарбаева Диловар Маматмуратовна¹

Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро амирлигининг шарқий Сурхон воҳаси ҳудудида мавжуд тадбиркорлик ва савдо-сотик тарихига бағишланниб, воҳада тадбиркорлик ва савдо-сотик турлари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи ва ички бозорда сотилиши, шунингдек уларни ўрганилиш тарихига бағишланади.

Ключевые слова: Сурхон воҳаси, савдо-сотик, Денов, Шерабод, ва Бойсун бекликлари, десятина, хусусий тадбиркор, пахта тозалаш ва ёф завод.

КИРИШ

Мустақиллик шарофати ила ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва маънавий меросини ўрганиш, ундан халқнинг бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Айнан ушбу маънавий ва мафкуравий асосни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда тарих фани алоҳида аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот ишида XIX аср охири – XX аср бошларида Сурхон воҳасида кечган тадбиркорлик ва савдо-сотик жараёнларини илмий таҳлил этиш кўзда тутилган. Ушбу мавзунинг долзарблиги энг аввало маҳсус тадқиқот обьекти сифатида чукур ўрганилмаганлиги билан ҳам белгиланади. Ваҳоланки, Сурхон воҳаси хунармандчилиги бошқа ҳудудлардан фарқланувчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиш билан бирга, Бухоро ва Россия давлатларининг Шарқ давлатлари билан олиб борилган савдо-сотик алоқаларида муҳим ўрин тутади. Мазкур мавзуҳоизиги Сурхон воҳасининг чоризм истилоси арафаси даврида Шарқий Бухоро ҳудудлари ҳисобланган Денов, Шерабод, ва Бойсун бекликларида иктиносий ижтимоий ва маданий ҳаётни архив материаллари, турли хил касб эгалари томонидан ўша даврда ёзуб қолдирилган кундаликлар ва маълумотлар мустабид совет тузуми даврида ва мустақиллигимиз даврида ёзилган илмий тадқиқот монографиялар, рисолалар ва мақолалар орқали янгича руҳда таҳлил этган ҳолда ёритиши, ишнинг долзарблигини янада оширади.

XIX аср охири-XX аср бошларида Сурхон воҳасида хунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотик мавзусининг ўрганилишига бағишланган барча илмий адабиётлар ва мақолаларнинг тарихшунослик таҳлилига тўхталсак.

XIX аср охири XX аср бошларида Сурхон воҳасида тадбиркорлик ва савдо-сотик мавзусининг ўрганилиши ҳақида сўз юритадиган бўлсақ, қуйидаги илмий тадқиқот асарларни келтиришимиз мункин. Сурхон воҳасини яхши билган, хусусан, Бойсун ва Шерабод бекликларида бек лавозимида ишлаган, Мирзо Салимбекнинг “Тарихи Салимий” асари ҳам муҳим манба. Асарда Мирзо Салимбекнинг Бойсун ва Шерабодда бек лавозимида ишлаган даврда бекликларнинг бошқарилиши, қишлоқ хўжалиги учун экинзорларнинг кенгайтирилиши, ўзи ҳам янги ерлар ўзлаштириб катта даромад олгани, воҳасининг иқлими, сугорилиш тизими ҳақида кўплаб маълумотлар келтирган. Сурхон воҳаси тарихини ёритишида Д.И. Логофетнинг «Страна бесправия», «Бухарское ханство под русским протекторатом», «В горах и на равнинах Бухары», «Орошение Термеза», «Хлебная торговля и запасы Восточной Бухары», «В забытой стране.

¹ Термиз, Ўзбекистон



Путевые очерки по Средней Азии», «Почтовотелеграфные участки в Бухарских владениях» номли асарлари мұхым манба бўлиб хизмат қилди.

Д.Н.Логофетнинг «Страна бесправия» (1909) асарида Бухоронинг жанубий чегарасидаги сиёсий ўрни, Шарқий Бухоро аҳолиси, бекликларнинг иқтисодий-сиёсий аҳамияти, Термиз – Шеробод почта-телеграф йўлининг очилиши, ҳарбий қисмларнинг жойлашиши каби масалалар ёритилган.² Унинг «В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии» асарида Сурхон воҳаси, унинг аҳолиси, иқлими, ҳарбий аҳволи ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.³ «Бухарское ханство под русским протекторатом» номли асарида эса Туркистон генерал-губернаторлигининг Бухоро амирлиги билан муносабати, Шарқий Бухородаги чегара истехқомлари ва бошқа масалалар изоҳланган.⁴

УСУЛЛАР

Мақолада умумий қабул қилинган методлар – холислик, тарихий таҳлил, қиёсий-мантиқий таҳлил, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида XIX аср охири XX аср бошларида Сурхон воҳасида тадбиркорлик ва савдо-сотик мавзусининг ўрганилишидан иборат.

НАТИЖАЛАР

Бухоро амирлиги билан Россия ўртасида 1868 йил 23 июнда имзоланган шартномадан сўнг 1873 йил 28 сентябрда учинчи 18 бўлимдан иборат бўлган шартнома имзоланди. Шартноманинг учинчи моддасида: Бухоро амирлигига қарашли Амударё қисмида Бухоро кемалари ва рус пароходлари, шунингдек бошқа флот кемалари қаторида ҳукумат ҳамда шахсий кемаларга эркин сузишга руҳсат берилади”, - дейилса, 4-моддасида:” керак ва қулай бўлган Амударёнинг Бухоро қирғоқларида руслар ўзининг тўхташ жойи ва товар омборлари қуришга ҳақлидир”, деб ёзилган⁵. Афғонистон орқали инглизлар ҳаракати кучайданлиги сабабли чор ҳукумати Бухоро амири билан тузилган 1873 йил 28 сентябрдаги шартномани қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. 1888 йил 23 июнда имзоланган қўшимча шартномага биноан, рус фуқаролари Янги Бухоро, Чоржўй, Керки шаҳарларида яшашлари мумкин деб топилди. Бундан ташқари мазкур протоколга кўра, асосан Амударё қирғоқлари бўйлаб рус манзилгоҳлари барпо этиш кўзда тутилади. Худди шу вақтдан бошлаб, Чор Россияси Термизда ҳам дастлабки қурилиш ишларини бошлаб юборган эди. Хусусан Термизнинг Амударё қирғоғига туташиб кетадиган Паттакесар қишлоғи ёнида руслар истиқомат қилиши учун турар жойлар барпо қилина бошлади. 1892 йилнинг 7 августида Чор Россияси расмий равищда Бухоро-афғон чегарасини эгаллади⁶. 1893 йилнинг 15 январида Бухоро амири Абдулаҳадхон рус армияси томонидан Бухоро-афғон чегарасини эгаллашига қаршилик қўрсатмаслик ҳақида маҳаллий бекка расмий фармойиш берди. 1893 йилда Эски Термиз атрофида рус божхонасини жойлаштириш ва мудофаа истеъкомларини барпо қилиш чораларини кўрди ва бу ишни амалга ошириш учун шу йилнинг марта мартидан капитан Февралев бошчилигидаги маҳсус гурухни юборди. Гурух Амударё флотилиясининг “Цар” кемасида ва “Петербург” баржасида дарё бўйлаб ўтган чегарани ўрганиб чиқиб, Эски Термиз атрофида рус божхонасини жойлаштириш мумкинлигини маълум қиласиди⁷.

Бухоро – Афғон чегаралари очиқ бўлиб, савдо-божхона шартномалари тузилмаган эди. 1894 йилда амирликнинг чегара пунктларида рус божхоналари ташкил қилишга қарор қилинди. Бухоро амирлигини рус божхона тизимиға киритиш тўғрисидаги қонун 1894 йил 6 июлда қабул қилиниб, расман ушбу йилнинг 15 ноябридан кучга кирди⁸.

² Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб., 1909. – 239 с.

³ Логофет Д.Н. В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии. – М., 1912. – 180 с.

⁴ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т.1. – СПб., 1911. – 218 с; Керсатилган асар. Т.11. – СПб., 1911. – 340 с.

⁵ Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений. Изд.второе, Т.1.с.421-425.

⁶ Краеведение Сурхандарьи.-Т.,1989.с.121.

⁷ Жалолиддин Мирзо. Термиз.,2001.83-бет.

⁸ ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1319-иши, 2-варак.



1894 йили тузилган Россия – Бухоро келишув шартномасига мувофиқ, чегара худудларини кечиб ўтадиган қирғоқларда божхона масканлари курилди. Худди шу йили Паттакесар қишлоғига 31-Амударё бригадасининг дастлабки қисмлари келди⁹. Амударё бригадасининг командири, полковник Костевич Термиз шаҳрининг стратегик ўрнига аҳамият берган биринчи чор командири саналади¹⁰. 1897 йил Термизга 4-Оренбург казак полки жойлаширилди. Уларга казарма куриш учун маблаг ажратилди ва 40 десятина ер сотиб олинди. Қисқа вақт ичиде Петро-Александровскдан 13-Туркистон ўқчи батальони ва 2-Оренбург казак отряди Самарқанддан Термизга олиб келинди.

Рус ҳукумати нафақат ҳарбий қисмларни жойлашириш билан балким савдо йўлларини ҳам ўз кўлига олишга ҳаракат қилди. 1895 йил бошларида Керки, Келиф, Чўчқагузар, Паттакесар ва Айванж божхоналари иш бошлади. 1895 йил 1 майда Панж дарёси бўйидаги божхона иш бошлади. Рус – афғон чегарасидаги савдони назорат қилиш 1895 йил 1 июлдан тўла кучга кирди ҳамда Ўрта Осиёдаги ташқи савдо устидан Россия империяси назорати узил-кесил ўрнатилди.

Бундан ташқари Бухоро амирлигига инглиз-хинд товарларининг эркин кириб келиши чекланиб, бу товарлар фақатгина Керки, Келиф, Чўчқагузар, Паттакесар, Айванж, Сарой, Чубек, Боғарақдаги рус божхоналари руҳсати билан катта бож тўлаш орқали Бухоро худудига кириб келадиган бўлди.

Россиянинг Шарқий Бухоро ерларидағи актив ҳаракати Англияни ниҳоятда ташвишлантириб, Россияга қарши яширин йўллар орқали Афғонистон ва Бухоро амирлигини қарши қўйишга уриниб, бир неча марта турли хил фитналар уюштиришга ҳаракат қилдилар. Бу ҳолат Россиянинг Амударё қирғоқлари худудларида эҳтиёткорона сиёsat юритишига мажбур этди ва тез вақт ичиде мустаҳкам ҳарбий қалъа куриш заруратини келтириб чиқарди. Бу ишларни амалга ошириш учун чор ҳукумати маҳаллий аҳолидан 474,5 таноб яъни 123,5 десятина ерни 52500 тангага сотиб олади¹¹. Шундан кейин қурилиш ишлари янада кенгайиб кетади. Янги казармалар, штаб, офицерлар учун квартиralар курила бошланди.

Чор ҳукумати Термизга ҳарбий қалъа сифатидагина эътибор бериб қолмасдан, балки Россиянинг марказий районларидан аҳолини кўчириб келтириш, шунингдек келажакда Хиндистон йўналишида ҳарбий таянч марказ сифатида қаради. Россия ҳукмрон доираларининг узокни кўзлаган тадбирларининг асл моҳиятини тўла очиш учун рус армияси Бош штабининг, Туркистон округи штабининг маҳфий ҳужжати ҳам тасдиқлайди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, рус тадбирлари фаолияти аввал бошда қишлоқ ҳўжалигига кўзга ташланади. Пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш бўйича тадбиркорлар ўз фаолиятларини бошладилар. 1888 йилда рус савдогари С.Мазов Бухоро ҳукуматидан 30 десятина ерни ижарага олиб, юқори навли америка пахтасини экди ва Америка пахтасининг маҳаллий пахтага нисбатан кўпроқ ҳосил беришини исботлади. Шу тариқа 1888 йилдан бошлаб маҳаллий аҳоли орасига юқори навли америка пахтасини тарқатиш орқали савдогар Мазов кириб келди. Самарқандлик Арнольд Артурович Зайдин Россия императори сиёсий агентлигига ёзган аризасида қуидагиларни таъкидлаб ўтган эди, «Охирги йилларда пахтачиликдан катта даромад олиниши сабабли сугориладиган ерлар кенгайтирилмоқда. Пахта экишда Термиз ва Саройтепадаги ерлар алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу ердаги иқлим Фарғонага қараганда анча қулайдир. Сугориш мумкин бўлган Амударё ва унинг ирмоқларидағи ерлар - тўқайлар ўзлаштирилаяпти, тўқайдаги ерлар жуда ҳосилдор бўлиб, уларни сугориш осон кечади. Аммо тўқайдаги ерлар қазилма илдизларидан тозаланса, пахта экиладиган ерларни кўпайтиришга имконият яратади ва Бухоро ҳукуматига катта фойда келтиради». А.А. Зайдин Бухоро ҳукуматидан Чоржўйдан Саройгача бўлган Амударё ва унинг ўнг ирмоқлари бўйидаги ерларни сўрайди. Бухоро амирлигидан ерларни ижарага олиш масаласини биринчи бўлиб капитан А. Г. Ананьев ва князь М.М.Андронниковлар кўтариб чиқдилар. Улар 1912 йил 23 февралда Бухоро

⁹Краеведение Сурхандарьи.-Т.,1989.с.122.

¹⁰ Туркестанская сборник.Т.497.-С.172-173.

¹¹ ЎзР МДА. 3-жамғарма, 1-рўйхат, 133-иш, 248-варап.



хукумати билан 17 банддан иборат шартнома имзоладилар ва 99 йилга Шеробод ва Бойсун бекликлари ҳудудидан 72,5 минг десятина ерни (таксинан 79 минг гектар) ижарага олдилар.

Чор хукуматининг Термиз шаҳридаги ҳарбий маъмурияти 1909-1910 йилларда ўз қарамоғидаги ер майдонларининг бир қисмини узоқ муддатга ижарага бера бошлади. Масалан, хусусий тадбиркор К.Шамсутдиновга маҳсус шартнома асосида 500 десятина сугориладиган ер майдонини беш йил муддатга ҳар десятинасига 40 рублдан тўлаш шарти билан ижарага ерларни берди. Шунингдек, унга 1,5 минг десятина сугорилмайдиган ер майдонининг ҳар десятинасига 1 рубль 80 тийиндан сугориш мажбурияти билан ижарага берди.

Хусусий тадбиркор К. Шамсутдинов ижарага олинган ер майдонларини сугориш учун соатига 300 минг чеълак сувни 2,5 сажин юқорига кўтариб берадиган тўртта насос қўйилган станция курди. Натижада Қирқиз ва Болёноба оралиғидаги 12 минг десятина ўта унумдор ерни сугориш имконияти туғилди. Бундан ташқари у илгаридан сугорилиб келинган 350 десятина ерни ҳам шу насослар орқали сугора бошлади.

А.Г.Ананьевнинг маълумотларига қараганда, ҳар десятина ердан 20 пуддан тоза тола етишириб олинган. Рус тадбиркорлари ижарага олинган ерлар учун Бухоро амирлигига арзимаган нархларда солиқ тўлай бошлади. Бироқ рус тадбиркорларининг ўзлари эса маҳаллий аҳолига ижарага ерни юқори нархларда бера бошладилар. Ижарага олинган ерларда тадбиркорлар асосан пахта экин майдонларини кенгайтириш ва Россиянинг пахтага бўлган эҳтиёжини қондириш, шу билан бирга ўз манфаатларини кўзлаб иш олиб бордилар. Бухоро хукуматининг ерларни ижарага бериши оқибатида маҳаллий аҳоли ўргасида норозиликларнинг ўсишига олиб келди. Ерларни рус тадбиркорларига ижарага бериш, бир томондан Бухоро амирлигига фойда келтирган бўлса, иккинчи томондан маҳаллий аҳолининг Бухоро амирлигига бўлган ишончсизлик ва норозиликларининг ортиб боришига сабаб бўлди.

Пахта майдонининг Сурхон воҳасида ўсиб бориши билан пахта тозалаш саноати ҳам ривожланиб борди. Рус чоризми воҳада пахтачиликнинг тўхтовсиз ўсаётганлигини ҳисобга олиб, Сурхондарёнинг ўзида майда бўлса ҳам, пахтани қайта ишлайдиган заводлар куришга алоҳида эътибор берди. Пахта тозалаш корхонаси қўриш истаги бор маҳаллий бойлар рағбатлантирила бошланди. Сурхон воҳасида биринчи пахта тозалаш заводи маҳаллий тадбиркорлардан ака-ука Абдулла ва Иброҳим Матчинбоевлар томонидан 1910 йилда курилиб ишга туширилди. Ака-ука Матчинбоевлар пахтадан мўл ҳосил олиш учун ҳар томонлама қулай имкониятлар, яни ернинг унумдорлигини, иссиқликнинг етарли даражада эканлигини, сугориш ишлари бирмунча бўлса-да яхшилигини, савдо йўллари кулагилигини, пахтага талабнинг катта эканлигини ҳисобга олиб ўз бойлигининг бир қисмини Термиз пахта тозалаш заводини куришга қаратдилар. Завод курилиши 1905 йилда бошланган, лекин малакали қурувчиларнинг бўлмаганлиги сабабли курилиш узоқ муддатга чўзилди ва завод 1910 йилдагина курилиб ишга туширилди.

Кейинчалик А. Ананьевнинг пахта тозалаш ва ёғ заводлари, Ю. Зобернинг лимонад заводи қурилиб ишга туширилди. Термиз шаҳрининг моддий ва маънавий маданиятини ривожлантиришда маҳаллий бойлар, савдогарлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Юқорида номлари тилга олиб ўтилган савдогар ва тадбиркорлардан ташқари савдогар Имомалий ҳам ўз маблағлари ҳисобидан шаҳар марказий шифохонасини, шаҳар маданият уйи ва бошқа кўплаб биноларни ўз ҳисобидан куриб берган эди. Кейинроқ совет хукуматига бу иморатлар Имомалий томонидан беминнат топширилган эди, ў ўз даврининг маълумотли, улдабурон савдогарларидан бири бўлган эди.

1912 йилнинг 15 июняда Россиянинг йирик корхона эгаси, муҳандис Александр Николаевич Ковалевский билан темир йўл қурилиши учун А.Н. Ковалевскийга 600 десятина ер беришни ваъда қилди. Бундан ташқари темир йўл қурилиши учун жами ҳаражатларнинг 25 фоизини ҳам ўз бўйнига олди.⁹ 1913 йили А.Н. Ковалевский «Бухоро темир йўлини қуриш акционерлик жамияти»ни таъсис этди. Бу жамиятнинг директорлигига И.М. Слуцкий сайланди. 1914 йил январида Бухоро темир йўли қурилиши учун мутахассис инженерлар тайёргарлик ишларига



киришдилар. Май ойи бошларида Санкт-Петербургда ҳисоб қайднома (ведомость)си тасдиқланганидан сүнг қурилиш бошқармаси Когон-Самсонова (хозирги Амударё)-Термиз темир йўл курилишини 1914 йилнинг 16 июнида бошлаб юборди. 1916 йилнинг 14 июлида алоқа йўллари комиссияси узунлиги 573 верст бўлган темир йўлни текшириб чиққач, йўловчилар ва юкларни ташишга рухсат берди. Бу темир йўл шохобчасининг ишга туширилиши икки давлат учун ҳам стратегик аҳамиятга эга бўлди. Бухоро амирлиги вилоятларига четдан мол келиши ва четга мол чиқариш ҳажми ошди. Темир йўл Бухоро амирлигини Москва ҳамда Нижний Новгород каби йирик шахарлар билан боғлади. Бу темир йўлнинг рус, афғон ва шарқий бухоро бозорларини бир-бири билан боғлаши натижасида ички ва ташқи савдо анча тараққий қилди.

МУНОЗАРА

Юкорида келтирилган барча маълумотлар воҳада пахтачилик бизнеси, пахта тозалаш, пахта сотишнинг маҳаллий россиялик ва тадбиркорлар фирмаларининг бу соҳадаги қатнашуви ва қизиқишининг кучайланлигидан гувоҳлик беради. Бироқ бу соҳадаги энг бўш ҳалқа ишчиларнинг аҳволининг оғирлиги бўлиб қолаверди. Шундай қилиб Сурхон воҳасида пахтачилик ва бошқа соҳалардаги тадбиркорлик биз ўрганаётган даврда жадал ривожланиб борди. Буни юкоридаги келтирган маълумотларимиз ҳам тасдиқлайди.

Тараққиётнинг ривожланишига маҳаллий ва рус тадбиркорларидан К.Шамсутдиновнинг пахта тозалаш, aka-ука Абдулла ва Иброҳим Матчинбоевлар пахта тозалаш,, Г.А.Ананьевнинг ёғ-мой, Нобелнинг керосин, Гусев, Блинов, Мелик Карамов ва Оганесов, Ахназаров, Азатянц ва Малхазов, Епифановларнинг тули хил корхоналари ва М.М.Андронников, А.Н.Ковалевский, И.М.Слуцкий, Г.С.Кикодзелар воҳада тадбиркорлик ривожига катта ҳисса қўшдилар¹². Бироқ тадбиркорликнинг ривожланиши ўлқада мустамлакачилик характеристига эга эди. Тадбиркорлар томонидан олинган фойдалар ўлканинг фойдасига эмас балки Россия империясининг манфаатлари учун фойдаланилар эди.

XIX аср охири-XX аср бошларида Сурхон воҳасининг иқтисодий тарихига назар солар эканмиз, бу тизимда олиб борилган ишлар, хунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотиқ ишларини архив ҳужжатлари, чоп этилган адабиётларда мавжуд маълумотларни чукур таҳлил қилиб қўйидаги хуносаларга келинди:

- XIX аср охири-XX аср бошларида ўз салоҳияти жиҳатидан Сурхон воҳаси ҳудуди, аҳолиси, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожи жиҳатидан Бухоро амирлигида ўз ўрнига эга бўлган;

-Россия ва Англияning Ўрта Осиё бозорлари масаласидаги рақобати туфайли воҳа бозорларидан инглиз ва бошқа хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сиқиб чиқариш Россиянинг воҳада савдо-сотиқ соҳасида олиб борган сиёсатининг бош мақсадига айланди;

- XIX аср охири-XX аср бошларида Россия империясининг Сурхон воҳаси сиёсий ҳаёти ва иқтисодиётини ўз таъсирида ушлаб туриш сиёсати кучайди. Сув йўллари ва темир йўл тизимини барпо этиш борасида тадбирлар амалга оширди;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб., 1909. – 239 с.
2. Логофет Д.Н. В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии. – М., 1912. – 180 с.
3. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т.1. – СПб., 1911. – 218 с; Керсатилган асар. Т.11. – СПб., 1911. – 340 с.
4. Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений.Изд.второе,Т.1.с.421-425.

¹²ЎзР МДА.3-жамғарма, 1-ёзув, 840-иш,53-вараИ.



5. Краеведение Сурхандарыи.-Т.,1989.с.121.
6. Жалолиддин Мирзо. Термиз.,2001.83-бет.
7. ЎзР МДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1319-иш, 2-варақ.
8. Краеведение Сурхандарыи.-Т.,1989.с.122.
9. Туркестанская сборник.Т.497.—С.172-173.
10. ЎзР МДА. 3-жамғарма, 1-рўйхат, 133-иш, 248-варақ.
11. ЎзР МДА.3-жамғарма, 1-ёзув, 840-иш,53-варақ.

